



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2022 йил — инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 28 июль, № 161 (8223)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПАХТАЧИЛИКДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 июль куни пахтачиликдаги долзарб вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Маълумки, бу соҳа қишлоқ ҳўжалиги ва аҳоли бандлигида алоҳида ўрин тутди. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан пахта етиштиришда кластер тизими жорий этилди. Ушбу тизим натижасида 350 га яқин йирик фабрикалар ишга туширилди. Беш йил аввал юртимизда етиштирилган пахта толасининг атиги 40 фоизи қайта ишланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 100 фоизни ташкил этмоқда.

Сўнгги йиллардаги иқлим ўзгаришлари пахтачилик олдида янги вазифалар қўймоқда. Хусусан, бу йилгидай аномал иссиқ илгари ҳеч қачон бўлмаган. Ун кундан бери юртимизда кундузги ҳарорат 43 даражадан юқори бўлмоқда. Кечки пайт ҳам кам эмас.

Бу пахтачилик учун фавқулодда вазият. Лекин барча имкониятларни сафарбар қилиб, ҳосилни сақлаб қолиш зарур. Бунинг учун уруғчилик, нав танлаш, ўғитлаш, суғориш ва зараркундаларга қарши курашишни илмий ёндашувлар асосида йўлга қўйиш керак.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг "Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра Пахтачилик кенгаши тузилгани айнаи кунда бўлди.

Йиғилишда инновацион ривожланиш вазири, Пахтачилик кенгаши раиси И.Абдурахмонов кенгаш томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот берди.

Унда айтилишича, кенгаш аъзолари олим ва мутахассислар билан бирга Қўйи Чирчиқ, Сайхунобод, Навбахор, Нарпай, Вобкент ва Қорақўл туманларига бориб, ҳақиқий аҳолини ўрганган. Жумладан, уруғчилик пахта экилган майдонларда кўчат тигизлиги меъёрига нисбатан 35 — 40 фоизга ошириб юборилгани аниқланган. Айрим далаalarda гўзанинг тепасида ҳосил деярли йўқ, пастида эса 2-3 та кўсақ бор ҳолос. Зарарли ҳашарот ва касаллик турлари ҳам кўпайган.

Йиғилишда бундай ҳолатда гўзани парваришлаш ва ҳосилдорлигини таъминлаш бўйича тавсия ва кўрсатмалар айтиб ўтилди. Уларни барча ҳудудларда амалга ошириш бўйича "долзарб 30 кунлик" эълон қилинди.

Кластер ва фермерларнинг далолига бориб, илмий ёндашув ва янгиликларни таъминлаш зарурлиги тўғрисида таъкидланди.

— Иқлим ўзгариши келгусида ҳам салбий таъсирни ҳисобга олиб, иш тугишимиз керак. Бу масалада илмий ёндашув шарт, — деди Шавкат Мирзиёев.

Вилоят ҳокимлари ушбу долзарб кўнларда қилинадиган ишлар бўйича ахборот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН САМАРАЛИ МУЛОҚОТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Рақамли технологиялар орқали тадбиркорлик субъектларининг муаммолари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда — Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг "business.gov.uz" ягона интерактив порталини қўйидаги имкониятларга эга бўлган "Тадбиркор виртуал офиси" ахборот порталига (кейинги ўринларда — портал) айлантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кечаю кундуз қабул қилиш, ҳал этиш ва ушбу жараёнларни назорат қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида тематик онлайн муҳокамалар ва сўровномалар ўтказиш орқали тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифларни шакллантириш;

қонунийликни такомиллаштириш юзасидан тадбиркорлик субъектларининг жамоавий мурожаатларини қабул қилиш;

тадбиркорлик субъектлари учун зарур бўлган хизматлардан фойдаланиш, шу жумладан, лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар, кредит, субсидия, компенсация

ҳамда қафилликлар олиш, солиқ ва боғхона маъмуриятчилигини амалга ошириш имконини берувчи ахборот тизимлари билан уланиш.

2. 2022 йил 1 августдан шундай тартиб ўрнатилсинки, умувофиқ:

а) порталга қўйидагилар томонидан мурожаатлар киритилади: тадбиркорлик субъектлари; Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги "Call-марказ" хизмати;

б) тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — тадбиркорлардан сайёр қабулларда келиб тушган мурожаатлар асосида;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини маҳалланинг ўзида кўриб чиқиш ва ҳал этиш чораларини кўради, маҳалла даражасида ҳал этиш имконияти мавжуд бўлмаган мурожаатларни порталга киритади;

б) порталга киритилган мурожаатлар автоматик равишда ёки Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан (мурожаатда ваколатли орган кўрсатилмаганда) тегишли ваколатли органларга кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун йўналтирилади;

в) ваколатли органлар портал орқали келиб тушган мурожаатларни қонунийликда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқди ҳамда натижалари тўғрисида ахборотни порталга киритади;

(Давоми 2-бетда).



Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОН АФҒОН МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИДА ЕТАКЧИ ЎРИНИ ҲАЛ ҲИМОЯСИГА ОЛДИ

Бу мавзу Тошкентда ўтказилган «Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт» халқаро конференцияси ҳақида аксарият хорижий нашрларда эълон қилинган хабар-мақолаларда асосий таъкид бўлмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 26 июль куни Тошкентда ўтказилган «Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт» халқаро конференцияси халқаро ахборот маконида муҳим воқеа сифатида ўз акс садолини берди. Анжуманга тайёргарликнинг барча босқичи, конференциянинг бориши ва янқуларни миллий ҳамда хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди, етакчи ахборот агентликлари, онлайн нашрлар томонидан тарқатилди.

Тадбирни ёритиш учун "Kyodo News" АА (Япония), "Arezu Radio TV" телеканали (Афғонистон), "Reuters" халқаро ахборот агентлиги ва "BBC" телерадиокомпанияси (Буюк Британия), "Fars News" АА (Эрон), "Казинформ", "Хабар" ва "Атамекен" агентликлари (Қозғистон), "Синьхуа" АА (Хитой), "Кабар" АА (Қирғизистон), "Россия 24" теле-

каналлари ва "Московский комсомолец" газетаси, "Россия сегодня", "Фергана", ТАСС, "Интерфакс" АА (Россия), "Anadolu" АА ва "TRT" телерадиокомпанияси (Туркия), "Франс-пресс" (Франция), "Al-Jazeera" телеканали (Қатар) ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг муҳбирлари бевосита Тошкентда бўлди.

Тадбир ҳақида етакчи ва оммабоп хорижий оммавий ахборот воситалари, жумладан, "Большая Азия" (Россия), "Хиндистоннинг "Republicworld.com" янгиликлар портали, Эроннинг "Iran Daily" газетаси, "Америка овози" радиоси (АҚШ) ва бошқалар ушбу халқаро тадбир бўлиши ҳақида ўз ўқувчиларига олдиндан хабар эълон қилди. Тадбир арасида уларнинг муштарийлари конференциянинг мақсад ва вазифаларидан, унда 20 дан ортиқ мамлакатлардан 100 дан ортиқ ишти-

рокчилар қатнашиши, шунингдек, етакчи халқаро тузилмалар иштирок этишидан хабардор бўлди.

Улар Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилган анжуманнинг асосий мақсади жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистонга нисбатан умумий ёндашувларини ишлаб чиқиш, жумладан, янги ҳокимият органлари билан мулоқотни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, афғон халқига нисбатан кейинги мамлакат ҳаётини йўлга қўйиш ва мустақил, барқарор ва ўзини ўзи таъминлайдиган давлат қуришда ёрдам беришдан иборат экани ҳақида сўз юритди.

Хорижий оммавий ахборот воситалари ўз мамлакатларининг нуфузли сиёсатчилари, ҳукумат аъзолари ва махсус вакиллardan иборат делегациясининг иштироки тўғрисида хабарлар тарқатди.



ШХТ Бош котиби:

БИЗ ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛИШ НИЯТИДАМИЗ

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Чжан Мин 28-29 июль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган ШХТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазири кенгаши йиғилиши олдиндан "Дунё" АА учун берган интервьюсида ташкилот салоҳияти ва унинг замонавий дунёда тутган ўрни ҳақида сўзлаб берди.

Эксклюзив интервью

— Бу йил ШХТ кун тартиби маданий-гуманитар тадбирларга бой. Сизнингча, ташкилот доирасидаги маданий-гуманитар мулоқотнинг асосий хусусияти нимада?

— Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатларини қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш тарихий-маданий алоқа нуқталари, умумий маданий мерос, умумий қадриятлар, этник-маданий яқинлик ва яқин қўшни-

чилик муносабатлари боғлаб туради. Номоддий меросимиз инсоният цивилизацияси раваннагига беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар, атоқли олимлар номи билан боғлиқдир.

ШХТ Низоми ва ташкилотга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида 2007 йили имзоланган маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, аъзо давлатлар маданий мулоқот ҳамда гуманитар алмашувларни чуқур-



лаштириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. "Шанхай руҳи"даги маданиятлар хилмаҳиллигини ҳурмат қилиш ва умумий ривожланишга интилиш тамойилларига изчил риоя этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон раислиги кун тартибда гуманитар ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Режалаштирилган 80 та лойиҳанинг чорак қисми

маданий-гуманитар соҳага таллуқли. Хусусан, адабиёт, мусиқа, кинематография ва тасвирий санъат йўналишларида маданиятлар мулоқотини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилди. 2022 йил 19 май куни Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар маданият вазириларининг ўн тўққизинчи йиғилишида маданий хилмаҳилликни сақлаш, кўп асрлик анъаналар ҳақидаги билимларни фаол тарқатиш каби кенг қўламли масалалар кўриб чиқилди. Аъзо давлатларнинг ваколатли органлари ўртасида музей иши соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум лойиҳасининг маълумлаштириши ана шундай муҳокамаларнинг амалий натижаларидан бири бўлди.



Республика комиссияси йиғилиши

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Кеча Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисини Олий Мажлис Сенати Раиси, мазкур комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Унда республика ҳамда ҳудудий комиссиялар аъзолари, вазирилик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил март ойида оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш юзасидан қабул қилинган Фармон ҳамда қарорларида белгиланган вазифалар ижросининг бориши муҳокама қилинди.

Сенат Раиси кириш сўзида таъкидлаганидек, мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаоллигини ошириш, улар учун зарур шароитларни яратиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, хотин-қизларнинг манфаатини ҳимоя қилишнинг қонунийлик ва институционал негизини мустаҳкамлаш йўлида муҳим чоралар кўриляпти.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЕР МАЙДОНЛАРИНИ АЖРАТИШ ИНСОН ОМИЛИСИЗ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қишлоқ ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Ш. Тешаевнинг "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси бажарилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, Президентимиз раҳбарлигида кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини модернизациялаш, ер муносабатларини тартибга солиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соҳага бозор муносабатларини жорий этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мазкур стратегияда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда 2 та қўнун, Президентимизнинг 1 та

Фармони, 13 та қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 10 та қарори ва унинг доирасида 5 та амалий чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Биргина озик-овқат хавфсизлиги ва ички истеъмолни сифатли қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари билан кафолатли таъминлаш борасида шу йилнинг биринчи ярим йиллигида 4 млн. 499 минг гектар ерга экинлар экилди.



Нуқтаи назар

САЙЁҲЛИК —

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ДРАЙВЕР СОҲАСИ



Жаҳонда туризм соҳасига барча инфратузилмаларни ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қаралади. Замонавий туризм транспорт, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг юқори даражада ривожланишига асосланган бўлиб, бу охири-оқибат уни иқтисодиётнинг юқори рентабелли ричагига айлантиради.

Мамлакатимизда туризмни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқ корхоналарига имтиёзлар яратиб бериш, инфратузилмани шакллантириш борасидаги ишлар жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон 1993 йил 4 октябрда Бутунжаҳон туризм ташкилотига Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан аъзо бўлди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда халқаро сайёҳликни ривожлантиришга катта туртки берди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН САМАРАЛИ МУЛОҚОТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

г) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил: порталга киритилган мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддати устидан рақамли назорат ўрнатади ҳамда қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли таъсир чораларини қўллайд;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда мурожаатлар таҳлили асосида ҳудудлар ва соҳалар кесимида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ҳар ойда тақлифлар киритиб боради.

3. Тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини "Тадбиркор виртуал офиси" ахборот портали орқали қабул қилиш, умумлаштириш ва назорат қилиш схемаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони бошқарув ходимларининг чекланган сонини 101 та штат бирлиги миқдорига белгилансин ва уларнинг қўшимча 15 та штат бирлиги Маҳаллабўй ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг штат бирликлари қисқартириш ҳисобига шакллантирилсин.

5. Белгилансинки: а) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда ҳар йили 1 февралга қадар тасдиқланган режа-графиклар асосида;

тадбиркорлик субъектларида ўтказилган текширувларнинг қонунийлиги ва тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижроси ҳолати юзасидан давлат органлари ва таш-

қилотлари, шу жумладан, маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида ўрганишлар ўтказад;

ҳудудларда сайёр қабуллар ўтказад ва тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрилган масалаларни жойида ҳал қилиш чораларини кўради;

ваколатли органлар учун ҳудудларга чиққан ҳолда, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари билан ишлаш ҳамда текширувлар ўтказиш тартиби бўйича ўқув машғулотларини ташкил этади;

б) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳар йили 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишининг ҳолатига доир йиллик ҳисобот тақдим этади.

6. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил якунига қадар портал мазкур Фармон талабларига мувофиқ такомиллаштирилиши ва "Электрон ҳуқумат" тизимининг идораларо платформасига интеграция қилинишини, шунингдек, порталнинг Mobile-ID тизими орқали идентификациялаш имкониятига эга мобиль версияси яратилишини таъминласин.

7. Молия вазирлиги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ 2022 йил 1 сентябрга қадар 2022 йил учун Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази маблағларини шакллантириш учун Давлат бюджетдан ажратилган маблағларни мақбуллаштириш ҳисобига портални такомиллаштириш, Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги "Call-марказ" хизматини молия-

лаштириш, шунингдек, мазкур Фармонда назарда тутилган Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

Бунда 2023 йилдан бошлаб порталдан фойдаланиш ва Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги "Call-марказ" хизмати фаолияти Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрга қадар умумий оватла-ниш ва чакана савдо соҳаларидаги фаолиятни тартибга солуви талабларини соддалаштириш ҳамда ушбу соҳалардаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлик-лари билан биргаликда бир ой муддатда руҳсатномага эга ер қарийдан фойдаланувчиларнинг ҳамда ер қарьи давлат фонди кадастрига киритилган ер участкаларининг рўйхатларини шакллантирсин.

Бунда шакллантирилган рўйхатларга асосан: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда тегишли ер участкаларини Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратсин; Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тегишли ер

участкалари ажратилгандан сўнг бир ой муддатда тадбиркорлик субъектларига ер қарийдан фойдаланиш мақсадлари учун зарур бўлган ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида тақдим этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил икки ой муддатда қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг бюджетдан ташқари жамғармасини ташкил қилиш, унинг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини; қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни;

12. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.С.Қосимов белгилансин.

Фармон ижросини муҳоама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 27 июль



ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Хусусан, 20 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ҳуқуматга киритилган. Улардан 3 таси қабул қилинган ва ижрога йўналтирилди. Бу ҳужжатлар билан шу йўналишдаги ишларни тартибга солувчи 4 та низом, 1 та "Йўл харитаси" си ҳамда 1 та прогност кўрсаткич тасдиқланди.

Бундан ташқари, республика комиссияси томонидан маҳалладаги хотин-қизлар фаоли ишини самарали ташкил этиш ҳамда аёллар билан ишлаш бўйича намунавий тизим йўлга қўйилди, бу жараёнда мутасадди вазирлик ва идоралар, уларнинг қўйи тузилмалари вазибалари белгиланди, республика комиссияси аъзолари ҳудудларга бириктирилиб, жойларда ушбу тартиб асосида тегишли чоралар кўрилади.

Шу билан бирга, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масалалари юзасидан алоҳида ишчи гуруҳ ташкил этилиб, қонун лойиҳаси яратилди.

Мажлисида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг "2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча баб-ҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режаси"да белгиланган вазифалар ижросининг бориши юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Тадбирда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан ҳудудларда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш дастури шу кунга қадар қабул қилинмагани, раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича ўқувлар бошлангани, опа-сингилларимизнинг уй-жой шароитларини яхшилаш ишлари сўст бораётгани, шу билан бирга, маҳалларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказларини очиш ишларига етарлича эътибор берилмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, ҳориҳда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазага муҳтож хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда бартараф этиш юзасидан тегишли чораларни белгилаш, ишбилармон аёллар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотлар экспортга кўмаклашиш, улар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш ишлари суствлиги танқид қилинди.

Муҳоама давомида йил якунигача Давлат бошқаруви академиясида юз нафар истиқболли хотин-қизни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш мақсадида ўқитилиши ҳамда уларнинг миллий кадрлар захирасига қиртилишини ташкил этиш, жорий йилнинг сентябрга қадар ҳар бир туманда камида бир нафардан хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказларини очиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Шунингдек, комиссиянинг ҳудудларга бириктирилган аъзоларига ҳар ойда жойларда Президент Фармон ва қарорларига белгиланган вазифалар, комиссия мажлисларида берилган топшириқлар ижросининг боришини таҳлил қилиш, республика даражасида ҳал этиладиган муаммоларни тегишли вазирлик ҳамда идора билан биргаликда бартараф қилиш чораларини кўриш ва натижалари бўйича республика комиссиясига ахборот киритиш топширилди.

Комиссиянинг навбатдаги мажлисларида ушбу топшириқлар ижросининг бориши юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳудудий масъуллар ҳамда комиссия аъзоларининг ахборотларини эшитиб бориш белгиланди.

«Халқ сўзи».

ЕР МАЙДОНЛАРИНИ АЖРАТИШ ИНСОН ОМИЛИСИЗ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Республикадаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида 5,1 минг гектар майдонларда 2 минг 912 та иссиқхона фаолият олиб бормоқда. Шундан 876 гектар гидророника усулида, 4,2 минг гектар ер тупроқда махсулот етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, уларда 385 минг тонна махсулотлар етиштирилди.

Шунингдек, қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш мақсадида 14 та пахта-тўқимачилик, 41 та галлачилик, 103 та

мева-сабзавотчилик кластерлари фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда 134 та пахта-тўқимачилик, 198 та галлачилик, 249 та мева-сабзавотчилик, 43 та шолчилик, 9 та доривор ўсимликлар етиштирувчи қаторлар фаолият юритмоқда.

Соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайитириш ва инвестициявий ҳозирдорликни ошириш мақсадида "Қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини соддалаштириш чора-тадбирла-

ри тўғрисида"ги Президент Фармони билан қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ерларни ижарага бериш бўйича очик электрон танлов натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқлаш бекор қилинди. Натжидада қишлоқ хўжалигида ер майдонларини ажратиш инсон омилсиз электрон тизим ёрдамида амалга оширилмоқда.

Эшитувда қайд этилганидек, давлатимиз раҳбарининг "Фаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан галлани сотиб олиш ва сотиш бозор нархлари асосида амалга оширилиши йўлга қўйилди. Хусусан, ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида доннинг бир қисми 2022 йил июль — сентябрь ойларида биржа савдолари орқали жадвал асосида сотилиши белгиланди.

Эшитувда депутатлар соҳада амалга оширилган ишларни эътироф этиб,

БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИНИНГ ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИГА ЖАВОБИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар "Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шу жумладан, экотуризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги масала юзасидан юборилган Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Бош вазир ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазири А. Абдуҳақимовнинг жавобини кўриб чиқди.

Парламент сўровида қайд этилганидек, сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида республика иқтисодиётида туризмни стратегик даражага кўтариш, туризм хизматларини диверсификация қилиш ва ҳажмини кескин қўпайтириш, тақдим этилаётган туризм хизматлари сифатини яхшилаш ва жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш, замонавий хизматлар инфраузилмасини жадал ривожлантириш бораси-

да кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соҳани қўллаб-қувватлашга доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда туризм турларини диверсификация қилиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ҳозирдорлигини оширишга хизмат қилаётди.

Ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири — бу ички туризмни ривожлантиришдир. Шу боис бу борада фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" ички туризмни ривожлантириш дастури қабул қилинган.

Мазкур дастур доирасида "аёллар дафтари"га киритилган 30 ёшдан юқори хотин-қизларнинг саёҳатлари, нотинч ва кам таъминланган оилаларни "Оилавий саёҳат" туристик пакетларини, шунингдек, ўқувчи-талабалар ва корхоналар ходимлари ўртасида "Мангуберди Ватанига саёҳат" номли ички туризм дастурини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ички туризмни

мақсадида ҳудудларда бир қатор оммавий тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, Сурхондарё вилоятида "Бойсун баҳори" халқаро фольклор фестивали, Самарқандда тоғ велоспорти бўйича "Ёшлар спорт туризми фестивали", Пискент туманида "Джил Фест Наврўз 2022" пойгалари, Бухоро вилоятининг эски шаҳар қисмида "Насриддин Афанди" фестивали, Хива шаҳрида "Лазиғ" халқаро рақс фестивали, "Яшил Макон" халқаро эко-фестивали ўтказилди.

Соҳада амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг январь — май ойларида жами 3 684,7 минг аҳолининг ички саёҳатлари ташкил этилиб, режага нисбатан 106,0 фоизга бажарилди.

туристик экомаршрутлари, пиёда саёҳат экомаршрутлари, велосипед йўллари, қарвон, зорбинг марказлари яратилмоқда.

Шу билан бирга, туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун автомобиль йўлларининг сифатини ошириш, йўл бўйида сайёҳлар учун хизмат кўрсатиш объектларини қўпайтириш, туризм инфраузилмасидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, тақдим этилаётган хизматлар сифатини оширишга катта эътибор қаратилади.

Қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг парламент сўровига юборилган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ТАРҒИБОТ МАСАЛАСИДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ФАОЛ БЎЛИШИ ЗАРУР

Куни кеча пойтахтимизда Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Н. Умаров иштирокида "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда кенг жамоатчиликка етказишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган мазкур тадбирда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари, прокуратура, адлия, солиқ ҳамда божхона хизмати ходимлари, жамоатчилик вакиллари ва маҳалла-лар фаоллари қатнашди.

Таъкидланганидек, янги таҳрирдagi қонун билан уни қўллаш имконияти кенгайтирилмоқда. Қолаверса, бу ҳужжат пенсия таъминоти, солиқ, божхона, давлат назорати, ер участкаларини ажратиш ва олиб қўйиш йўна-

лишларида татбиқ этилиши назарда тутилаётгани айтилди.

Муҳокамалар давомида маҳаллий Кенгашлари депутатлари томонидан қонуннинг долзарблиги алоҳида ургуланди. Маъмурий органлар вакиллари эса қонуннинг маъмурий-ҳуқуқий фаолият борасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдаги аҳамиятига эътибор қаратди. Хусусан, ушбу ҳужжатнинг асосий вазифаси маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жиамонияти ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари

ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашдан иборат.

Бундан ташқари, тадбир иштирокчилари қонунда келтирилган айрим меъёрларни янада такомиллаштириш зарурлиги, айниқса, маъмурий акти бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги нормативларнинг қайта кўриб чиқилиши мақсада мувофиқ эканлигини билдирди.

Давра суҳбатидa сенатор томонидан жойлардаги муаммолар ечимига йўналтирилган қонунлар мазмун-моҳияти аҳолига етказилмас экан, бундай ҳужжатлар амалда ишламаслиги, муаммо ҳал бўлиш урнига мураккаб-лашиб бориши, шу маънода, барча маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда кенг жамоатчилик қонун тарғиботида фаоллик кўрсатиши лозимлиги ҳам айтиб ўтилди.

«Халқ сўзи».

ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Таълим тизимининг ислохотлари — тараққийёт пойдевори" мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

Анжуман

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги босқинга олиб чиқиш, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш орқали замонавий билимга эга малакали кадрлар тайёрлаш борасида кенг қўламадаги ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, янги турдаги таълим масканлари — Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, математика, кимё-биология, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Бу ислохотлар ўзини мевасини бермоқда. Бунинг ўн қувчиларининг нуфузли халқаро фан олимпиадаларида юқори ўринларни қўлга киритаётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Давра суҳбатидa олий таълим муассасаларига қабул жараёни, мақсадли квоталар, хотин-қизларга берилган имтиёзлар, ўқиниш кўчириш, профессионал таълимни замон талабларига мослаштириш бўйича янги тизим жорий этиш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Шунингдек, техникумлар фаолияти-

тини қайтадан кўриб чиқиш, уларни ийрик саноат корхоналари ва клас-терларга бириктириш ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларининг янги ўқув йилига тайёрларлик ҳолати бўйича қўмитанинг жойлардаги ўрганиш натижалари ҳам кўриб чиқилди.

— Жамиятда олий маълумотга эга, жоюрий малакали мутахассислар қанча кўп бўлса, ривожланган шунча тез ва самарали бўлади. Таълим сифати ривожланса, ҳар бир соҳада ўзгартириш, юксалиш кузатилади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ғайрат Абдиев. — Шундан келиб чиқиб, бугунги тадбирда таълим тизимидa учраётган камчиликларни, қўмита томонидан аниқланган масалаларни атрофича муҳокама қилдиқ ва устувор вазифаларни белгилаб олдиқ.

Муҳокамаларга бой бўлган тадбирда таълим тизимидa олиб борилаётган ислохотлар самарасини амалда таъминлашга қаратилган фикр-мулоҳаза ҳамда амалий тақлифлар билдирилди.

Кун тартибиданги масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ШҲТ Бош котиби:

БИЗ ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛИШ НИЯТИДАМИЗ

20 май куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар жисмоний тарбия ва спортга масъул вазирлик ҳамда идоралари раҳбарлари йиғилишининг тарихда илк бор Тошкент шаҳрида ўтказилиши ҳам юксак эътирофга сазовор. Эътиборли жиҳати шундаки, тадбир доирасида миллий спорт турларини қайта тиклаш ва оммалаштириш, ШҲТ маконида халқаро спорт туризмини қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик янгилаш мазмун касб этди. Бугунги кунда COVID-19 пандемияси инсоният учун мураккаб муаммо бўлиб, бутун дунё бўйлаб ижтимоий-иқтисодий тараққиётга жиддий таъсир кўрсатишда давом этмоқда. Шу боис у билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф қилиш ШҲТнинг устувор мақсад ва вазифаларидан бирига айланди. Ташкилот доирасида зарур меърийдун ҳужжатлар қабул қилинди, ШҲТга аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирларининг йиғилиши ва хизматлар раҳбарларининг гунаҳар каби шериклигининг икиттослаштирилган механизми яратилди. Улар санитария-эпидемиолог фаровонлиқни таъминлаш учун масъулдилар.

Жорий йил Самарқандда бўлиб ўтказилган саммитда ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида телебёғлиқ соҳасидаги ҳамкорлик концепциясини, шунингдек, аъзо давлатлар тиббиёт ташкилотлари ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволашда алоқалар ўрнатилиши бўйича "Йўл харитаси"ни қабул қилиш режалаштирилган.

Ушбу бўйичаги анча давом эттириш мумкин. Шунинг учун асосий фикрни таъкидлаш билан чекланаман. Гап ШҲТдаги маданий-гуманитар ҳамкорлигининг айрим ўзига хосликлари ҳақида эмас, балки бу ерда "Шанхай руҳи"нинг асосий тамойили намён бўладиган, яъни маданий ва цивилизация аъналарининг хилма-хиллигига ўзаро ҳурмат ҳамда умумий ривожланишга интилиш ҳақида бормоқда.

— Ташқи ишлар вазирлари кенгашида "ШҲТ эзгу ният элчиси" тўғрисидаги низоми лойиҳасини кўриб чиқиш режалаштирилган. Сизнингча, ушбу институтнинг ташкил этилиши ШҲТ брендини илгари суриш ва унинг кадрларини оммалаштиришга қандай таъсир қилади?

— Бу институт Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2021 йил сентябрь ойида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТга аъзо давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей йиғилишида илгари сурилган эди. Бу ташаббус барча давлат раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланиб, унинг долзарблиги таъкидланди. Ушбу мақом ШҲТга аъзо давлатларнинг маданият ва санъат, адабиёт ҳамда илм-фан, мусиқа ва спорт соҳаларидаги таниқли арбобларига, жамоатчилик эътирофи, ҳурматиға сазовор бўлган кишиларга берилиши кўзда тутилган.

Биз ШҲТдаги янги кўра мартабали вакилнинг келуши фаолиятдан умидимиз катта ва ижобий натижалар кутамиз. Аввало, унинг фаолияти кўп томонлама дипломатия, очик мулоқотни ривожлантириш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар лойиҳаларни илгари суриш, шунингдек, халқаро ҳамжамият ўртасида ташкилотнинг ижобий имижини шакллантиришга хизмат қилади, деб ишонамиз. "Эзгу ният элчиси" минтақавий ҳамда глобал форматдаги тури халқаро тадбирларда иштирок этиши, яъни ШҲТ ва унинг қадриятларини тарғиб қилиш ҳамда оммалаштириш, ташкилот фаолиятининг тури жиҳатларини ташуутириш бўйича мўҳим институтга айланиш имкониятиға эға бўлади.

Ишонамизки, ижтимоий фаолиятда катта тажрибаға, шон-шўҳрат ва таъсирға, шунингдек, ушбу шарафли миссияни амалға ошириш учун зарур бўлган шахсий ва профессионал фазилатларға эға бўлган "Эзгу ният элчиси" сиёсий, бизнес, журналистик ҳамда илмий доираларда "Шанхай руҳи" тамойилларини, шу жумладан, ШҲТ минтақасидан ташқарида ҳам қўллаб-қувватлайди.

— Жаҳон туризм бозори пандемия оқибатларидан катта зарар кўрди. ШҲТ доирасида ушбу тармоқни тиклаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қандай чоралар кўрилмоқда? ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши ушбу мўҳим йўналишдаги шериклиқни ривожлантиришга қандай таъсир кўрсатиши мумкин?

— Пандемия мамлакатларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишиға жиддий таъсир кўрсатди. Шу билан бирға, жорий йилда туризм санвати пандемиядан энг кўп зарар кўрган соҳалардан бири бўлиши кутилмоқда. Аини пайтда ШҲТга аъзо давлатларнинг тегишли идора ва муассасалари томонидан пандемиядан кейинги даврда туризм соҳасини тиклаш ва янада ривожлантириш бўйича жиддий сайёҳаракатлар олиб борилмоқда. Иш, биринчи навбатда, сайёҳлик тизимига сарможа жалб этиш, туризм маҳсулотлари ва йўналишларини биргаликда тарғиб қилиш, ташкилотға аъзо давлатлар ўртасида виза тартибини соддалаштириш чораларини қўллашни рағбатлантиришға қаратилган.

Бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ўтган давр мобайнида зарур ҳужжатлар базаси шакллантирилди. Жумладан, 2016 йил 24 июнь куни Тошкент шаҳрида

Туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш дастури тасдиқланди, 2019 йил 14 июнь куни Бишкек шаҳрида UNWTO билан меморандум имзоланди, 2021 йил 15 июль куни Душанбе шаҳрида ШҲТга аъзо давлатларнинг 2022-2023 йилларға мўлжалланган туризм соҳасидаги ҳамкорлик дастурини амалға оширишнинг янги шартлоқларида қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинди, ўша йил 17 сентябрь куни Душанбеда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг туризм ва маданият пойтахти тўғрисидаги низоми қабул қилинди.

Жорий йил Ўзбекистон раислиги доирасида ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида Туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги битим лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди. Ҳужжат бу борадаги ришталарни янги босқичға кўтариш мақсадини ўзида мужассам этган. ШҲТга аъзо давлатлар туризм соҳасида ҳамкорлик дастурини амалға ошириш режаси билан бир қаторда, ушбу битимнинг имзоланиши тегишли вазирликлар ўртасидаги шериклиқни чуқурлаштириш ва аъзо давлатларнинг сайёҳлик брендини ўзаро асосда тарғиб қилишға, туристик хизматлар сифати ҳамда хавфсизлигини оширишға, ушбу соҳадаги рақамли технологияларни ривожлантиришға хизмат қилади.

Шундай қилиб, биз ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида сайёҳлик йўналишидаги муносабатлар ҳар томонлама, тўлақонли хусусият касб этаётганини кўряпмиз. Бу эса, ўз навбатида, ШҲТга аъзо давлатлар халқларининг тарихи, маданияти, табиати ва аъналарни билан танишиш, туризм хизматлари даражасининг ошишиға, иқтисодиёт ва сайёҳликнинг ривожланишиға олиб келиши мўқаррар.

— Маълумки, узоқ давр давомида давлатлараро дўстлик ва яхши қўшничилик алоқалари

ШҲТ мамлакатлари халқларини бирлаштириб келмоқда. ШҲТ худуди биргаликда ривожланиш учун катта имкониятларға эға. Бунда ШҲТ шафелигида фаолият кўрсатаётган халқ дипломатияси институтлари қандай роль ўйнаши мумкин?

— Халқ дипломатияси икки ва кўп томонлама форматдаги давлатлараро муносабатларнинг ажралмас қиррасидир. Бу турил мамлакатлар халқларига бир-бирининг маданияти, тарихи, урф-одатлари ва дунёқарашини тушунишға имкон берадиган мўҳим восита. Шу тўғрисида биз ўзликни англаш, одамлар ўртасидаги ишонч ва яқинлик туйғусини ривожлантиришға ҳисса қўшилиши мумкин.

Халқ дипломатияси институтлари орқали давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш йўналиши ШҲТнинг 2015 йилда қабул қилинган 2025 йилға чадир стратегияси ва 2021 йилдаги ШҲТнинг 20 йиллик Душанбе декларациясида мустаҳкамланган. Ушбу ҳужжатларда халқ дипломатиясининг давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлашдаги алоҳида ўрни таъкидланган.

Кейинги йилларда халқ дипломатияси йўналишидаги ишларни фаоллаштириш мақсадида ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг ташаббуси билан ШҲТ Халқ дипломатияси форуми тузилди. Унинг биринчи сессияси 2021 йил Ухань шаҳрида муваффақиятли ўтди. ШҲТ Халқ дипломатиясининг иккинчи форуми "Халқ дипломатияси — ривожланиш йўлидаги бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш" широри остида бу йил 11 май куни Тошкентда бўлиб ўтди. Форумнинг асосий мақсадларидан бири — ШҲТнинг кенг маконли интеграцияси жараянини ривожлантириш, халқ дипломатияси равақини чуқурлаштириш, илм-фан, таълим,

маданият, спорт, сайёҳлик ва шаҳарлараро ҳамкорлик каби гуманитар соҳаларда муносабатлар кўламларини кенгайтириш. Шунингдек, минтақа мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг янги йўналишларини ўрганиш, ижтимоий гуруҳларнинг ҳамкорлик салоҳиятини ривожлантириш, кўп томонлама маданий лойиҳаларни яратиш ва амалға ошириш, одамлар ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама илгари суришдир.

Сўнгги йиллар давомида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг самийий қизиқиши ва фаол иштирокида ШҲТ маконида ШҲТ Яши қўшничилик ва ҳамкорлик бўйича кўмитаси (Пекин), Маданий интеграция ва ШҲТ интеграцияси маркази (Бишкек), ШҲТ Халқ дипломатияси маркази (Тошкент) ҳамда ШҲТ Дўстлик ва ҳамкорлик маркази (Душанбе) ташкил этилган бўлиб, улар икки ва кўп томонлама гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш борасида фаол иш олиб бормоқда. Маданий меросни асраб-авайлашға қўмақлашадиган ва ташкилотға аъзо давлатлар халқлари умумий фаровонлиққа эришишға ёрдам берадиган турил маданий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Биз замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда турил мамлакатлар ва халқлар ўртасида самарали алоқаларға қўмақлаш ва ўзаро ўрганиш ҳамда тан олинишға ёрдам бериш учун янги ахборот технологиялари ва оммавий ахборот воситаларини тўлақонли фойдаланиш ниятидамиз. Туризм, аънавий тиббиёт ва минтақавий ҳамкорлик сингари соҳаларда ришталар бундан кейин ҳам мустаҳкамланиб бораверади.

Халқ дипломатияси ШҲТ мамлакатлари халқлари ўртасида ўзаро тушунишни чуқурлаштириш ва шунға монанд равишда аъзо давлатлар ҳамда бошқа ҳамкор мамлакатлараро ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлашнинг энг самарали шакли сифатида ташкилотнинг изчил жиҳласишиға, аҳоли ўртасида умумий, қадимий ва кўп маданият ҳамда аъналарға дахлдорлик туйғусини ривожлантиришға мўҳим ҳисса қўлимоқда. Бунинг аҳамиятини бошқача баҳолаш мумкин.

«Дунё» АА. Пекин

ЎЗБЕКИСТОН АФҒОН МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИДА ИТТИФОҚИ ЎРИНИНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛДИ

Тошкентнинг "Ховар" Миллий ахборот агентлиги, Киргизистоннинг "Кабар" давлат ахборот агентлиги юқори даражадаги ушбу халқаро анжуманда қатнашган ўз мамлакатлари делегатлари таркиби ҳақидаги маълумотларни ўқувчилар эътибориға ҳавола қилди.

Улар тарқатган хабарларда "Тадбир 20 дан ортик мамлакатлардан 100 дан ортик иштирокчиларни, шунингдек, етакчи халқаро тузилмалар — БМТ, Озик-оғдак ва қиллоқ хўжалиги ташкилоти, Европа Иттифоқи, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти вакиллари ўз афроғиға жамлади", дея таъкидланади.

Ислон ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) "UNA — OIC" Ахборот агентликлари иттифоқи сайтыда "Ўзбекистон Президенти Афғонистон иқтисодиётини тиклаш устуворлигини таъкидлади" сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда қайд этилишича, давлатимиз раҳбари Афғонистон иқтисодиётини тиклашни умумий устувор вазифа деб тан олишға чакирди, бу эса ушбу жафокаш мамлакатда барқарор тинчликка эришишнинг мўҳим шарти ҳисобланади.

Ўз навбатида, Ислон ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Хуссейн Браҳим Таҳа анжуман олдидан қилган чиқишида Ўзбекистон расмийларининг ушбу йирдик тадбирини Афғонистон келажакни учун шундай ўта мўҳим бир пайтда чакирши ташаббусини юқори баҳолагани хабар қилинган. Шунингдек, у ИХТга аъзо давлатлар, дунё мамлакатлари, халқаро ва минтақавий ташкилотларни ИХТнинг Афғонистон бўйича мақсадли жамғармасига ҳисса қўлишни йўлаб кўришға даъват этди. "Мақсадли жамғарманиннг кўмаги қанчалик катта бўлса, ёрдам лойиҳалари кўлами шунчалик кенг бўлади ва кейинчалик афғон жамиятининг кенг қатламлари бундай ёрдам дастурларидан наф қўради", дея иқтисод келтирилади нашрда ИХТ Бош котиби сўзлардан.

"AI-Jazeera" телеканалда Тошкент конференциясидан қатор туркум видеорепортажлар намойиш этилиб, уларда ушбу анжуман чоғида, жумладан, халқаро ҳамжамиятнинг асосий шартлари — кенг вақилликка асосланган ҳукумат тузиш, аёллар ва миллий озчиликларнинг ҳуқуқлари таъминланиши, афғон қизлари учун тўлақонли мактаб таълими олиш учун имконият бериш бўйича келишувлар бажарилишиға эришиш имконияти кўриб чиқилгани қайд этилди.

Афғонистоннинг "TOLOnews" ахборот агентлиги Тошкент анжумани якунлари бўйича материал тарқатиб, Афғонистон ҳукумати делегацияси раҳбари, ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Амир Хон Муттақий матбуотға интर्वью бергани ва унда Афғонистон муаммосини мулоқот орқали ҳал қилиш учун махсус майдон яратгани учун Ўзбекистон Президенти, ҳукумати ҳамда халқига чуқур миннатдорлик билдиргани маълум қилинган. Афғонистоннинг "Afghanistan International" телеканални томонидан афғон делегацияси аъзоларининг анжуманининг бориши ҳақидаги интर्वьюлари ҳам намойиш этилди.

панияси Тошкентда бўлиб ўтган анжуманиннг бориши ҳақида репортажи эфирға узатар экан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро тадбир иштирокчиларига йўллаган мурожаати мазмунига алоҳида эътибор қаратди.

Репортажда давлатимиз раҳбари Афғонистоннинг халқаро майдонда аққаланиб қолишининг олдини олишға чакиргани, акс ҳолда ушбу мамлакатда гуманитар вазият янада ёмонлашиши мўқаррар экани ҳақидаги фикрлари келтирилган. Гап миллионлаб одамларнинг тақдирини, шунингдек, тинч йўл билан ҳал қилиш учун муайян қадамлар қўяётган, ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашға, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ўрнатишға, халқаро ҳамжамият билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка

"Интерфакс" агентлиги томонидан Тошкент конференциясига бағишланган эълон қилинган мақолада қайд этилишича, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов конференцияда нуктада Афғонистоннинг хориждаги активларига қўйилган таққици энг масаласига эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаган, бу эса мамлакат иқтисодиётини тиклаш имконини беради.

"Владимир Норов Ўзбекистон Афғонистоннинг тинч, мустақил ва фаровон давлат сифатида ривожланишидан манфаатдор эканини қайд этди", дея ургуланади мазкур хабарда.

Нашрда маърузачи Ўзбекистон нуктаи назари қатъий эканини, яқин келажакда Афғонистон минтақа давлатлари, биринчи навбатда, қўшни давлатларнинг мил-

би Антониу Гутерришнинг мурожаатидан иқтибос келтирилган: "БМТ Афғонистонда тинчликни мустаҳкамлаш, гуманитар ёрдам кўрсатиш, барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давом этади".

Шунингдек, материалда Ўзбекистон Афғонистоннинг янги ҳукумати террорчилик ташкилотлари билан алоқаларни узатишға чакиргани қайд этилган.

"Фергана" АА анжуманда Афғонистонда барқарорликни таъминлаш кафолатлари белгилангани ҳақида маълум қилган. "Коалицион ҳукумат ва аёллар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш Афғонистонда барқарорлик кафолатидир. Бу ҳақда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов айтиб ўтди", деб ёзилди "Фергана" ахборот агентлиги хабариди.

Бундан ташқари, агентлик Афғонистон иштирокида амалға оширилаётган Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилиши бўйича кенг қўламли лойиҳаниннг хавфсизлик кафолатлари ҳақида ҳам маълум қилган. Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича махсус вақили Исмаилов Эргашевнинг Россия ОАВға мурлиши ҳавфсизлигини таъминлайди, бунда Ўзбекистон ва Покистондан хавфсизлик бўйича мутахассислар жалб этилади. Аини пайтда мазкур лойиҳага халқаро инвестицияларни жалб қилиш бўйича фаол ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Мисрнинг "news-in-eg.com" электрон нашрида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норовнинг Афғонистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Амир Хон Муттақий билан бўлиб ўтган учрашувиға бағишланган мақола эълон қилинди.

Унда қайд этилганидек, учрашув чоғида Афғонистон делегацияси Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу халқаро конференцияни ўтказиш ташаббуси ўз вақтида бўлгани, бу халқаро ҳамжамиятға Афғонистондаги вазият ҳақида батафсил маълумот олиш имконини бериши таъкидланган.

"Бундан ташқари, афғон делегацияси раҳбари Ўзбекистон томониға Афғонистонга кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами, жумладан, Термиз шаҳридаги кўп тармоқли транспорт-логистика хаби фаолияти, шунингдек, энергетика ва инфра-тузилма лойиҳалари учун самийий миннатдорлик билдириди, — дейилади материалда. — Владимир Норов афғон томонини халқаро ҳамжамиятнинг асосий талабларини имкон қадар тезроқ бажариш, жумладан, аёллар ва миллий озчиликлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қизларнинг тўлиқ мактаб таълимидан фойдаланишни таъминлаш бўйича самарали чоралар кўришиға даъват этди".

Мухтасар қилиб айтганда, халқаро ОАВнинг Тошкент анжуманиға тезкорликда ёндашуви халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон муаммосига бефарқ эмаслигини намён этади, шунингдек, конференциянинг аҳамияти ва умуман, Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатда тинчлик ҳамда барқарорликка эришишға қаратилган сайёҳаракатларини аниқ кўрсатиб берди.

«Дунё» АА.

ТОШКЕНТ — МАРКАЗИЙ ОСИЁ УЧУН ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАШАББУСКОРИ

Бу бежизмас, албатта. Сир эмас, 2022 йил Марказий Осиё халқлари учун тақлиқали, тақдидли, хавотирли бошланди. Қўшни Қозғистондаги нотинчликлар барчамизни хўшёр тортирди. Юртимизда яқинда руй берган воқеалар эса минтақада беқарор вазиятнинг химоя қилишда давом этади".

Шунингдек, материалда Ўзбекистон Афғонистоннинг янги ҳукумати террорчилик ташкилотлари билан алоқаларни узатишға чакиргани қайд этилган.

"Фергана" АА анжуманда Афғонистонда барқарорликни таъминлаш кафолатлари белгилангани ҳақида маълум қилган. "Коалицион ҳукумат ва аёллар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш Афғонистонда барқарорлик кафолатидир. Бу ҳақда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов айтиб ўтди", деб ёзилди "Фергана" ахборот агентлиги хабариди.

Бундан ташқари, агентлик Афғонистон иштирокида амалға оширилаётган Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилиши бўйича кенг қўламли лойиҳаниннг хавфсизлик кафолатлари ҳақида ҳам маълум қилган. Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича махсус вақили Исмаилов Эргашевнинг Россия ОАВға мурлиши ҳавфсизлигини таъминлайди, бунда Ўзбекистон ва Покистондан хавфсизлик бўйича мутахассислар жалб этилади. Аини пайтда мазкур лойиҳага халқаро инвестицияларни жалб қилиш бўйича фаол ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Мисрнинг "news-in-eg.com" электрон нашрида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норовнинг Афғонистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Амир Хон Муттақий билан бўлиб ўтган учрашувиға бағишланган мақола эълон қилинди.

Унда қайд этилганидек, учрашув чоғида Афғонистон делегацияси Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу халқаро конференцияни ўтказиш ташаббуси ўз вақтида бўлгани, бу халқаро ҳамжамиятға Афғонистондаги вазият ҳақида батафсил маълумот олиш имконини бериши таъкидланган.

"Бундан ташқари, афғон делегацияси раҳбари Ўзбекистон томониға Афғонистонга кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами, жумладан, Термиз шаҳридаги кўп тармоқли транспорт-логистика хаби фаолияти, шунингдек, энергетика ва инфра-тузилма лойиҳалари учун самийий миннатдорлик билдириди, — дейилади материалда. — Владимир Норов афғон томонини халқаро ҳамжамиятнинг асосий талабларини имкон қадар тезроқ бажариш, жумладан, аёллар ва миллий озчиликлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қизларнинг тўлиқ мактаб таълимидан фойдаланишни таъминлаш бўйича самарали чоралар кўришиға даъват этди".

Мухтасар қилиб айтганда, халқаро ОАВнинг Тошкент анжуманиға тезкорликда ёндашуви халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон муаммосига бефарқ эмаслигини намён этади, шунингдек, конференциянинг аҳамияти ва умуман, Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатда тинчлик ҳамда барқарорликка эришишға қаратилган сайёҳаракатларини аниқ кўрсатиб берди.



миз томонидан нафақат иқтисодий ҳамкорликни янада юксалтириш, аини чоғда маданият, таълим, спорт, туризм соҳаларида ва умумий тарихимизни чуқур ўрганиш борасидаги ҳамкорлик дастурларини амалға ошириш бўйича биргаликда ишлашни кучайтириш тақлифи илгари суриди.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда юртимизда Марказий Осиё халқлари муштарак маданияти, санъати, адабиётини улуғлаш, мунотазам тарғиб этиш ишлари ўзининг юқори палласига кўтарилди. Буни буюк қозқ шоир ва мутафаккири Абай Қўноқбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш ҳамда адиб ва жамоат ароби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида Президент қарорлари қабул қилинган, пойтахтимизда "Ашқобод" сайилгоҳи ва Махтумқули хайкали барпо этилган, Алишер Навоий ва Жомийнинг дўстона муносабатлари ҳақида бадиий фильм суратта олинаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Махлахат учрашувида Ўзбекистон томонидан минтақа давлатларида маданият, санъат ва кино фестивалларини навбатма-навбат ўтказиб бориш, туризм соҳасидаги ҳамкорлигимизни кенгайтириш, махсус туризм йўналиши ва маҳсулотларини ишлаб чиқиш, умумий пиар-кампанияларни ўтказиш орқали минтақа ичидаги туризмни фаол рағбатлантириш каби тақлиф ва ташаббуслар ҳам билдирилдики, бу минтақа халқлари учун мўҳим аҳамиятға эға.

Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил қилинган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг самийий рудҳаги Махлахат учрашувлари ўзаро алоқаларимизни мустаҳкамлашда мўҳим омилға айланди. Аммо доимо хўшёр бўлиш керакки, бу ҳаммаға бирдай маъул бўлмаслиги бор гап. Марказий Осиё бирлигини хоҳламидиган, тинчликға раҳна солишға уринадиганлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Ўз навбатида, ёшларимиз онлиға Марказий Осиё бирдамлиги, жиҳслиги ғоясини сингдириш ишлариға алоҳида уруғ беришимиз талаб этилади.

Умуман, кейинги йилларда Марказий Осиё давлатлари етакчилари сайёҳаракати билан, шунингдек, Махлахат учрашувларида эришилган келишувлар асосида минтақамизда вазият, таъбир жоиз бўлса, "об-ҳаво" бутунлай ўзгарди. Бу борада Ўзбекистоннинг салмоқли ҳиссаси борлиги бугун ҳеч кимға сир эмас. Шубҳасиз, бундан кейин ҳам Тошкент Марказий Осиё учун тинчлик ва тараққиёт ташаббускори бўлиб қолаверади.

Рустам ХОЛМУРАДОВ, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетини ректори, профессор, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

САЙЁХЛИК — ИҚТИСОДИЁТНИНГ ДРАЙВЕР СОҲАСИ

Ресурс сарфланмайди, аммо даромад келтиради

Кейинги беш йилда соҳа раванги бутунлай янги даражага кўтарилди. Президентимизнинг 2019 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мурофий, 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси қабул қилинди.

Ўртимизда туризмни ривожлантириш жуда катта иқтисодий самара бериши ҳаммаимизга аён, чунки у хорижга ресурс чиқармай (пахта, газ, нефть) валюта олиб кириш имконини беради. Таҳлилчи кўрсатадики, кўпгина ривожланган мамлакатларда туризмдан даромад бошқа соҳаларга қараганда анча кўпроқ валюта тушмалари келтиради.

Масалан, Туркия йилга 4-5 млрд. долларлик товар экспорт қилса, туризм фаолиятидан 10 млрд. доллардан ортиқ даромад олади. Австрия, Англия, Италия, Франция, Испанияда ҳам худди шундай юқори кўрсаткичларга дуч келиш мумкин. Мазкур соҳа кузатувчилари туризм иқтисодий ривожланишининг драйвери — ҳаракатлантирувчи кучи экани ҳақида ақдид фикр билдиришмоқда, ушбу йўналиш янги иш ўринларига замин яратиш баробарида, иқтисодий ривожланишга катта ҳисса қўшади.

Туризм хизмат кўрсатишга асосланган иқтисодиётни яратиш ва ривожлантиришни рағбатлантиради. Ушбу фаолият доираси Тошкентдаги йirik мейдонлардан тортганда, Самарқанддаги кичик хостеллар, халқаро аэропортлардаги бутиклар, Бухоро ва Хиванинг хушманзара кўчаларидаги кичик хунармандчилик дўконларига ҳам қамраб олади. У инсонларда иқтисодий кўникмаларни оширади, билим уфқларини кенгайтиради.

Бугунги кунда асарият мамлакатларда бутун саяёҳаракатлар чет эллик сайёҳларни жалб этишга қаратилмоқда. Зеро, туризм ривожланаётган мамлакатлар учун, айниқса, пул оқими ни оширишда фойдали бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Хива 2024 йилда "Ислом дунёсининг туризм пойтахти" бўлади

Ўзбекистонда туризм соҳасига қаратаётган эътибор ўз медаларини бера бошлади. Масалан, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг XI сессияси доирасида илк бор Ўзбекистон шаҳарларидан бири — Хивани 2024 йилда "Ислом дунёсининг туризм пойтахти" деб эълон қилиниши бўлади.



Тахти" дея эълон қилиш ҳақида қарорга келинди. Ушбу юксак мақом учун Абу-Даби (БАА), Шанилурафа (Туркия), Лаос (Нигерия), Душанбе (Тожикистон) ва Хива (Ўзбекистон) шаҳарлари ўзaro курашди. Сессия иштирокчилари бир овоздан Хива шаҳри номзодини танлади.

Хива шаҳрининг тарихий қиёфаси тикланиши, реставрация ва консервацияга оид амалга оширилган ишлар, қолаверса, электр устунларининг демонтажи, сайёҳларнинг катта оқими қабул қилиш учун яратилган шароитлар, инфраузилманинг яшилгангани, беш юлдузли мейдонхона ҳамда бу-

лик-отель ва хостеллар қурилиши фаол давом этаётгани алоҳида ургуланди. Бундан ташқари, туризм ва унга ёндош соҳалар тадбиркорлари учун яратилган қулай шароитлар юқори баҳоланди.

"Ислом дунёсининг туризм пойтахти" йили доирасида қатор тадбирлар ташкил қилинади. Жумладан, Хива шаҳрида ИХТга аъзо 57 давлатнинг туризм вазирлари ва туристик маъмуриятлари раҳбарларининг йиғилиши юқори даражада ўтказилади. Шу билан бирга, ислом олами ва зиёрат туризми салоҳиятини очиб берувчи илмий-амалий анжуманлар, фотокурғазмалар ва арт-экспозициялар бўлиб ўтади.

Хива шаҳрига юксак мақомнинг тақдими этилиши Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан туризм соҳасида асосий омилидан саналган виза режимини соддаштириш, маданий мерос объектиларини асраб-авайлаш, тарихий шаҳарларни ободонлаштириш борасида амалга оширилган ислохотлар эътирофидир.

Таъкидлаш керакики, 2019 йилнинг 30 ноябрь кунини Турк маданиятлари халқаро ташкилоти — ТУРКСОЙ доимий кенгашининг 37-мажлисида 2020 йилда Хива шаҳри "Туркий дунёнинг маданият пойтахти", деб эълон қилинган эди. Бу қарор ҳалқаро янада яқинлаштиришга, абадий дўстликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Ислом дунёсининг туризм пойтахти" йили доирасида қатор тадбирлар ташкил қилинади. Жумладан, Хива шаҳрида ИХТга аъзо 57 давлатнинг туризм вазирлари ва туристик маъмуриятлари раҳбарларининг йиғилиши юқори даражада ўтказилади. Шу билан бирга, ислом олами ва зиёрат туризми салоҳиятини очиб берувчи илмий-амалий анжуманлар, фотокурғазмалар ва арт-экспозициялар бўлиб ўтади.

Хива нафақат юртимиздаги, балки Ер юзидagi энг қадимий шаҳарлардан бири саналади. Хоразм заминининг дурдонаси саналган бу қадим шаҳар ўз тарихи давомида не-не босқинларни, истилоларни кўрмади?! Жаҳонни зир титратган фотиҳлардан ном-нишон қолмади. Аммо Хива ҳамон гўзал ва навқирон.

Маълумки, 1997 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Хива шаҳрининг 2700 йиллиги кенг нишонланган эди. Айни пайтда Хива юртимизнинг туристик салоҳияти тобора ортиб бораётган шаҳарларидан биридир. Икки ярим минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган бу қадимий шаҳарнинг биргина Инчан-қалъа мейморий ансамбли ўнлаб тарихий обидаларни ўз ичига олади. Жумладан, Мухаммад Аминхон, Кутлугмурод иноқ мадраса-

рифий, тарихий-меъморий меросини ўрганиш, тиклаш ҳамда тарғиб қилиш, динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни кучайтириш, турли мамлакатларнинг бу борадаги саяёҳаракатлари қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадини кўзатилади. Умуман, бу хушбабар мамлакатимизда ва хорижда катта қизиқиш уйғотди, халқимизга, илму фан вақиллари ҳамда зиёлиларимизга алоҳида гурур бағишлади.


Ўзбекистонда бугунги кунда туризмни ривожлантириш ва хорижликларни мамлакат дурдоналари саналган Бухоро, Самарқанд ҳамда Хивага жалб этиш бўйича мисли қўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг тегишли Фармонида мурофий, 2019 йил 1 февралдан электрон кириш визасини олувчи мамлакатлар рўйхати кенгайтирилиб, 45 та давлат

фуқаролари учун 30 кунлик муддатга визасиз тартиб жорий қилинди. Бундан ташқари, 2019 йил 15 мартдан 30 кун давомида амал қилувчи электрон визалар турлари тизими ҳамда алоҳида хорижий фуқаролар гуруҳларига қўшимча визалар тоифаси жорий этилди. Чет давлат фуқароларига виза тартибининг соддаштирилиши мамлакатда ташриф буорувчи меймонлар сонини бир неча мартага оширади, албатта.

Ҳақиқатан ҳам, сайёҳлик иқтисодиёт тармоқларининг етакчи бўлишидан бирига айланяпти. Ўзбекистонимизда ички ва зиёрат туризмини

Зиёратчилар учун муҳим манзил

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда сайёҳлик жабҳасини ра-



ривожлантириш имкониятлари юқори. Бунга сабаб, ислом олами учун муқаддас қадимларнинг кўпчилиги Юртимизга Хиндистон, Покистон, Эрон, Туркия, Жанубий Корея, Россия, Япония, Бангладеш каби қатор мамлакатлардан зиёратга келиш истагидаги инсонлар бисёр. Турли динларга оид маданий мерос объектиларининг мавжудлиги Ўзбекистонда зиёрат туризмини янада ривожлантиришда муҳим омилдир. Мамлакатимиздаги 622 та маданий мерос объектининг 595 таси ислом динига, 19 таси насронийлик, 8 таси эса буддавийлик динига мансубдир.

Юртимиз ҳудудидида яшаб ижод қилган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбандий, Хўжа Абдуҳолиқ Гиждувоний, мусулмон оламидаги бошқа қатор машҳур аллома ва мутафаккирлар мақбаралари мусулмон динига эътиқод қиладиган кўплаб сайёҳларнинг диққат-эътиборида бўлган қадимжолар ҳисобланади.

Мамлакат туризм имкониятлари билан бир қаторда асрлар оша сайёҳларнинг келаяётган миллий урф-одатлар ва қадриятлар ҳам меймонлар эътиборини тортади. Шунинг билан бирга, юртимизда зиёрат туризмини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ўзининг амалий самараларини бермоқда. Жумладан, 2018-2019 йилларда Ўзбекистонда Индонезиядан келган сайёҳлар сонини 170 фоиз, Малайзиядан — 158, Туркиядан — 154 ва БААдан 153 фоизга ўсди.

Шунингдек, "ҳалол туризм" бўйича Сингапурда жойлашган жаҳоннинг нуфузли ташкилоти бўлган "Crescent Rating" агентлиги билан 2018 йилда яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилди. "Crescent Rating" ва "Mastercard" ташкилотлари томонидан ҳар йили эълон қилинадиган "Жаҳон мусулмон сайёҳлари индекси" ("Global Muslim Travel Index") рейтингига мамлакатимиз 32-ўриндан 22-ўринга кўтарилди ва Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар орасида сайёҳларни жалб қилаётган "энг жозибador" ҳамда "ҳавфсизлик ва бағрикенглик даражаси юқори" бўлган 10 та мамлакат қаторидан ўрин олди.

"Crescent Rating" агентлиги маълумотномаларида қайд этилишича, 2026 йилга қадар дунё бўйлаб "ҳалол туризм" йўналишида 230 миллион сайёҳ бўлиши тахмин қилинмоқда. "Pew Research Center" тадқиқот маркази 2050 йилга келиб дунё аҳолисининг деярли 30 фоизи мусулмонлардан иборат бўлишини ҳисоблаб чиққани ҳам назарда тутилган экан, мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш қай даражада муҳим эканлиги яна бир бор аён бўлади.

Хорижий мамлакатлардаги тасавуфий йўналиш вақилларнинг юртимиздаги "Етти пир" ва Нақшбандия тариқатига оид зиёратгоҳларга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Кейинги йилларда янада кўпроқ хорижий сайёҳни жалб қилиш мақсадида ушбу зиёратгоҳларда кенг қўламли қурилиш ҳамда реконструкция ишлари олиб борилади, уларда зиёрат амалларини бажариш учун таҳоратхоналар, замонавий ахборот технологиялари, сенсорли инфоқисослар ўрнатилди, янги музей ва

Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш ва давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш борасида катта уқулқуларга эришилди. Тадбиркорларга жуда катта имтиёз ҳамда имкониятлар яратиб берилганлиги соҳа раванқининг асосий омилли бўлди. Шу билан бир қаторда, баъзи бир камчилик ва фойдаланилмаётган имкониятлар борки, уларни бартараф қилиш ҳамда бу йўлда ривожланган хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

кулубхоналар, овқатланиш шохобчалари барпо этилди. Меймонхона ҳамда овқатланиш масканларини "ҳалол" сертификатлаш йўлга қўйилди. Халқаро аэропортлар ва темир йўл вокзалларида ибодат қилиш ҳамда таҳорат олиш учун махсус жойлар ташкил қилинди. Шу тарихи мустақил зиёратчилар ёки "Умра+" каби катта гуруҳдан иборат сайёҳларни кутиб олиш имкониятлари яратилди.

Мамлакатимизнинг ислом цивилизацияси маркази сифатидаги обрў-эътиборини тарғиб этиш бўйича ҳам халқаро микёсда эътиборга молик ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, Дубай, Аланья, Қозон, Жакарта ва Сингапур шаҳарларида ўтказилган кўрғазма ҳамда конференциялар доирасида, шунингдек, Туркиянинг "TRT Avaz", Индонезиянинг "Trans7", "NetTV", "SCTV", Малайзиянинг "AlHijrah", Сингапурнинг "HalalTrip" ва бошқа хорижий медиа-платформалар орқали тарғиб ишлари амалга оширилди. Натихада, "Mastercard-CrescentRating Halal Travel Frontier 2020" ҳисоботида исломий меросни қайта тиклаш орқали мусулмонлар туризми бозорига Ўзбекистон янги трендага асос солган мамлакат сифатида бутун дунёга эълон қилинди.

Синов ва сабоқлар

Афсуски, коронавирус пандемияси туризм соҳасига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Энг муҳими, мамлакатимизда бу синовдан зарур сабоқлар чиқарилди. Коронавирус билан боғлиқ муҳитнинг юмшашини билан юртимизга сайёҳларнинг ташрифини жадаллаштириш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, зиёрат мақсадида ташриф буорувчи сайёҳлар учун шарт-шароит ва қулайликлар яратиш, туристик объектиларни қайта таъмирлаш, ҳалол овқатхона ва яшаш жойларини яратиш, сайёҳ қилиш ҳудудларини тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Зиёрат туризмини исчилик равишида ривожлантириш мақсадида турли мамлакатлар мусулмонлари, яъни салоҳиятли зиёратчиларнинг юртимиздаги муқаддас жойлар тўғрисида хабардорлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатия ваколатхоналарида мунтазам равишда кенг қўламадаги тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Хусусан, виза тизими беқор қилинган қатор мамлакатларда тарғибот ишларини жадаллаштириш мақсадида "Ўзбекистоннинг туризм бренди элчиси" институти ташкил қилинди. Унга мувофиқ, Хай Давидов (Исроил), Софи Ибботсон (Буюк Британия), Махд Асри Заинал Абидин (Малайзия), Хасиб Ур Раҳмон (Покистон), Эко Шри Марганти (Индонезия) туризм элчиси ва зиёрат туризми элчиси мақомига эга бўлди. Улар ўз мамлакатларида Ўзбекистоннинг ижобий имижини тарғиб қилиш, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида турли мақола ва интервьюлар бериш ҳамда юртимизга сайёҳларни жалб этишга хизмат қиладиган бошқа муҳим ишларни амалга оширишмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қомил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон туризмнинг барча йўналишини ривожлантириш ва хорижий сайёҳларни жалб этиш бўйича дунёда етакчи мамлакатлардан бирига айланмоқда. Сайёҳлик жабҳаси доимий изланиш, инвестиция киритиш, замонавий технологиялардан умумий фойдаланишни талаб қилади. Шу боис Ўзбекистон учун ушбу стратегик муҳим бўлган соҳани янада тараққий эттириш, мамлакатимиз бағрида жойлашган тарихий ва маданий меросни кўз қорачиғидек авайлаб асраш фавқулодда муҳим аҳамиятга эгадир.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Урганч давлат университети ректори,
физика-математика фанлари доктори.

ҲАР БИР МУРОЖААТ ИНСОН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг ташаббуси билан фуқаролар мурожаатларини ўрганишда яна бир янгиликка қўл урилди.

Сайёр қабул

Гап шундаки, илк бор вилоятдаги барча Халқ қабулхоналарида бир кунда, бир вақтнинг ўзида халқ депутатларининг вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатларининг фуқаролар учун оммавий сайёр қабуллари ўтказилди. Депутатлар билан бирга мутаассадди ташкилотлар раҳбарлари ҳам сайёр қабулга жалб этилди.

Фуқаролар бевосита халқ ноиларига ўзларини қўй-наётган муаммолар, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилди. Мурожаатлар тингланб, уларнинг бир қисми шу ернинг ўзида шаҳар ва туманлардаги қорхона ҳамда ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ижобий ҳал қилинган бўлса, қолганлари ўрганиш ва сессияда қўриб чиқиш учун назоратга олинди.

Хусусан, вилоят Халқ қабулхонаси биносида фуқароларни халқ депутатларини вилоят Кенгаши депутатларини қабул қилди.

— Ўғлим хаста, жисмоний ривожланишдан тўхтаб қолган, — дейди Самарқанд шаҳридаги Хишрав маҳалласида истиқомат қилувчи К. Раҳматов. — Шифокорлар унинг касалига аниқ бир таъхис қўя олишмаяпти, шифохонама-шифохона юриб, сарсон бўлди. Баъзи докторлар уни Самарқандда даволаб бўлмади, хорижда олиб бориш керак, дейишяпти. Оилавий шароитимиз оғир, бунга имконият йўқ. Наҳот истаб келдим.

Фуқаронинг мурожаати шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди. Депутат Шохрух Жўрақуллов ёрдамида мурожаатчининг фарзанди вилоят болалар кўп тармоқли шифохонасига ётқизирилиб, бепул давоаланган бўлди. Вилоят солиқчи сақлаш бошқармаси бошлиғи Даврон Жуманиёзов бемор болани вилоятнинг энг маълукали шифокорлари қўриқдан ўтказишсини, аниқланган ҳар қандай касаллигини шу ернинг ўзида даволаш учун зарур шароитлар берилганини айтди.

Самарқанд туманидаги Қўйи туркман маҳалласида истиқомат қилувчи Ж. Хидиров эса қабулга оиласи учун субсидия асосида уй-жой ажратилишини сўраб келди. Унинг айтишича, хотини ва фарзандлари билан ижарада яшаб келмоқда. Мазкур ташкилотларга қилган қатор мурожаатлари инобатга олинмаган. Ушбу масала, шунингдек, масъулларнинг фуқаро мурожаатларига бевфарқ муносабати атрофича ўрганиб чиқилиши маълум қилинди.

Айтиш жоизки, қабулда фуқаролардан тушган мурожаатларнинг ақсарияти аввалроқ ҳам қатор масъул идораларга юборилган, бироқ негадир бир ёқлама қўриб чиқилиб, ёпилгани маълум бўлди. Депутатлар мурожаатларни назоратга олишда масаланинг аниқ жиҳатига ургу беришди.

— Тизимлар талаб даражасида ишламасда, аҳоли мурожаатлари қамаймайди, ақсинча, қўлайишда давом этади, — дейди халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутати Азиз Аҳроров. — Шу боис биз муаммо билан эмас, унинг келиб чиқиши сабаби билан курашишга кўпроқ эътибор беришимиз керак. Мазкур масалани сессия мурожаатига киритиш, ҳўжақўрсинга ишлаётган раҳбарлар фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда қонуний чоралар белгилашга келишиб олдик.

Ўтказилган сайёр қабул жараёнларида халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашининг 28 нафар депутати ҳам шаҳар аҳолиси муаммоларини тингладди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд шаҳридаги Халқ қабулхонаси биносида бўлиб ўтган қабул жараёнида 90 нафар фуқаро рўйхатга олинб, депутатлар томонидан масъул ташкилотлар иштирокида қўриб чиқилди.

— Мазкур амалиёт илк бор синовдан ўтаётгани туфайли баъзи жараёнларда ташкилий томондан камчиликлар кузатилди, — дейди шаҳар Кенгаши депутати Олим Пардаев. — Доимий одамлар билан мулоқотда бўлиб, округ ҳудудидаги муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича сайловчиларимизнинг мурожаатлари асосида тизимли ишларни амалга ошириб келмоқдамиз. Ушбу сайёр қабул давомида ҳам келиб тушган мурожаатлар тегишли тартибда депутатлар томонидан ўрганилиб, уларга шу жойнинг ўзида масъуллар билан ижобий ечим топишга ҳаракат қилим.

— Самарқанд шаҳридаги сайёр қабул давомида келиб тушган мурожаатлар таҳлили шуни қўрсатдики, умумий ҳисобда жами муаммолари масалалар сонини 105 тани ташкил этиди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд шаҳридаги Халқ қабулхонаси мутахассиси И. Шананова. — Шундан 28 таси уй-жой, 7 таси моддий ёрдам, 11 таси оқонуний қурилиш, 14 таси коммунал соҳа (табiiй газ, электр энергияси, ичимлик суви), 7 таси ички қўналари таъмирлаш, 5 таси тиббий хизмат, 5 таси МИБ фаолияти, 4 таси оилавий низолар, 8 таси суд-ҳуқуқ, 3 таси тадбиркорлик билан шуғулланиш, 3 таси МФЙ ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норозилик, 2 таси мактаб ва МФЙ биносини реконструкция қилиш, биттаси кекса фуқаронини қариялар уйига жойлаштириш ҳамда 7 таси бошқа масалалардан иборат бўлди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидagi фуқаролар учун ҳам, депутатлар учун ҳам ҳар томонлама самарали ўтган бу каби сайёр қабуллари келгусида депутатларнинг округ ва маҳаллаларга чиққан ҳолда ўтказишга келишиб олинди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Республика Маънавият ва маърифат маркази Фарооси марказининг Самарқанд вилояти бўлими раҳбари Фарход Назаровга онаси

Шукуржон АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 24 563 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Гезатимиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефониинг орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЁЎЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

Гезатимизнинг оқназиб берилиши учун обушани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезатга тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан садиқлаланди.

Гезатимизнинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаххич — Ш. Машраббев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.20 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6